



Hurriyat

Mustaqil gazeta


Шавкат МИРЗИЁЕВ:

“Мамлакат мустақиллигининг 29 йиллик байрамини нишонлаш масаласида шифокорлар билан маслаҳат қилган ҳолда бу йил жойларда катта йиғин ва сайиллар ўтказишни чеклаш, уни кўпроқ оила даврасида нишонлашни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир”.

(Президентнинг пандемия шароитида Мустақиллик байрамини нишонлаш бўйича қўрсатмасидан).

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqq boshlagan ★ Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru ★ www.uzhurriyat.uz ★ 2020-yil 26-avgust, chorshanba ★ № 29 (1193)

ОЙНИНГ ЁРУФ КУНЛАРИ



Қишлоқ жойларда 12 мингдан зиёд, шаҳарларда 18 мингдан ортиқ кўп хонали уй-жойлар барпо этилаётгани, 2 минг 400 га яқин ижтимоий объект, жумладан, 427 та боғча, 477 та мактаб, 216 та соғлиқни сақлаш, 29 та жисмоний тарбия ва спорт муассасаси ва 100 га яқин бошқа турли иншоотларда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётганига гувоҳ бўламиз.

→ 2-бет

ПИНХОН ТУҒЁН



Энг муҳими, қалам эса бирзум ҳам ётгани, қўлдан тушгани йўқ. Кечинмаларни қоғоз билан ўртоқлашиш шундай ишқичи, бошқа бирон ҳолатда киши бунчалик ҳаяжонланмайди, ларзага тушмайди, азобланмайди (бир қаламқаш қоғоз юзида юз марта ўлиб, юз марта тириламан, дейди) ва бунчалик ҳузурланмайди. Бу туйғуга ошно бўлганларга дунёнинг борлиги – қоғоз ва қалам.

→ 4-бет

ЁЗУВЧИНИНГ “ҲИМОЯЧИСИ” КИТОБХОНДИР



Ёзувчи кўп ўқиши ва ўқиши шарт. У дунёдаги барча илмлардан, қисман бўлса-да, хабардор бўлиши, бир сўз билан айтганда, табиатдаги ҳар қандай ҳаракатни, ўзгаришни идрок этиши, ўз вужудида ҳис қилиши керак. Бундан ташқари, ёзувчи ўта самимий, тўғри ва ҳалол бўлиши лозим. Бозордаги паттачидан ёки олибсотардан фарқ қилмайдиган ёзувчи тушида алаҳсираётган одамга ўхшайди.

→ 7-бет

СЕН — ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОН!

ШУКРОНА

Зикримда ҳам, фикримда ҳам ўзинг — Ватан!


Бани башар бошига тушган қулфат коронавирус пандемияси туфайли кўнглимга ҳеч нарса сизмаётгандек... Йўқотишлар, хасталик, озурда диллар... Аммо ҳаёт давом этаверар экан. Ҳар қандай синовларни, ҳар қандай машаққатларни фақат сабр билан енгиш мумкин.

Албатта, Мустақиллик осонликча кўлга киритилган эмас. Озодлик улуг аждодларимизнинг азалий орзуси эди. Эркин ва фаровон ҳаётда яшаш биз — авлодларга насиб этди. Эндилликда қаддимизни тик тутиб, эртага умид, келажакка ишонч билан яшаш, истиқлолимизнинг барҳаётлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш бурчимиз. Шу кўнларга етказганига зикримизда ҳам, фикримизда ҳам шукронамиз бўлсин!



Истиқлол ёққан машъала келажак авлодлар йўлини ҳам ёритсин. Мангу порласин. Ҳилпираб турган байроғимизга тикиламан. Бир ўй кечади дилимдан: абадий тинчлик байроғи бўлиб қолсин. Юрагим фахр-ифтихорга тўлиши бежиз эмас, бу улуг туғда Амир Темур жасорати, Жалолиддин Мангуберди садоқати, Бобурмирзонинг Ватанга бўлган меҳри-муҳаббати, Навоийдек даҳоларнинг илоҳий ишқи мужассам. Ватан учун, истиқлолу эрк учун жонин тиккан Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Чўпон каби кўплаб юртдошларимизнинг орзулари, армонлари риштасидан тикилган байроқ бу!

Аслида муқаддас сўзи жуфтлигида қутлуғ тушунчаси мужассам. Муқаддас Ватан, Муқаддас она, Муқаддас замин. Ҳар бир жумланинг тилдан дилга кўчиш жараёнида юрак жунбушга келади. Зеро, биз Ватанга жонимиз, иймонимиз билан боғланганмиз. Бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.



ОҒРИҚ

Эгилувчан, аммо синмаётган найза тож

Сўнги маълумотларга қараганда, SARS-CoV-2 вирусининг “тожли найза”лари ээлиш хусусиятига эга экан. Ажабки, вирус айнан шу “найза”лари орқали инсон ҳужайраларига ёпишиб, ўпкани зарарларкан. Яна бир ажабланишли томони, антитаначалардан вирусни полисахарид қоплам ҳимоя қилар экан. Қизиқ, ер юзига бу бало ўз қалқони билан келганмикин-а?!



Энг ёмони, мамлакатимизда карантин қоидалари юмшатилиши билан одамлар офатга қарши қандайдир яна бефарво бўлиб қолди. Коронавирусга чалиниш оддий ҳолатдек кўринаяпти шекилли. Кўчаларда юзга тақадиган ниқобини иягига тушириб олишади ёки туғунчасидан тутиб бармоқларида уйнаб юришади. Ваҳоланки...

Маълумотларга қараганда, Германиянинг Гейдельберг шаҳридаги Европа молекуляр биология лабораторияси олимлари ҳамда Макс Планк ва Пауль Эрлих номлидаги институтлар тадқиқотчилари COVID-19 касаллигини чақирувчи SARS-CoV-2 вирусини криоэлектрон томография ёрдамида ўрганишди.

Олимлар ўта паст ҳароратда қотирилган массани электрон микроскоп ёрдамида текширишганда корона-вирус, яъни “тож” номини олган вирус усти қаттиқ найзачалар кўринишида эмас, балки найзачаларнинг эгилувчан эканлиги маълум бўлган.



ШУНДАЙ ДЕДИ



Тимур ИШМЕТОВ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазир:

... Биринчи ярим йил яқунлари бўйича давлат харажатлари япйи ички маҳсулотга нисбатан 25 фоизни ташкил қилган бўлса, давлат ташқи қарзи йил бошига нисбатан 11 фоизга ортиб, 17,3 млрд. АҚШ долларига етди.

Иқтисодий эркинлик индекси бўйича Ўзбекистон жами 186 та мамлакат орасида 114-ўринни, Осиё-Тинч океани минтақасида 42 та мамлакат ичида 26-ўринни эгалламоқда.

Манба: Kun.uz

ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

Дунё биз билан ҳисоблашмоқда

Биз тенгилар умрининг ярмидан кўпини шўролар мустамлақаси даврида, атеизм ҳукмрон бўлган пайт яшаб ўтказди. Табиийки, бу мустақиллик қадрига кўпроқ етиш имконини беради. Қўёлаш учун ҳам асос етарли бўлади.

Мамлакатимизда оғир кечаётган карантин шароитига қарамасдан мамлакатимизда ҳаёт асло тўхтаб қолган эмас. Одамлар яратилган ишқи билан машғул десак, хато бўлмайди. Пойтахтимизда ва вилоятлардаги шаҳар, туманларда бунёд этилаётган замонавий иншоотлар, албатта, юртимиз кўр-кўра кўр қўшади. Келажак авлодлар мустақил ҳаётини дунё билан тенглашган Ватанда бошлашади. Улар ўта замонавий технологиялар билан бемалол “тиллаша” оладиган авлод бўлади.

Биз кечаги кунда ҳам маънан юксак миллат эдик. Аммо, энг сўнги компьютерлашган техника, ишлаб чиқаришдаги охириги ихтиролардан беҳабар яшадик. Собиқ иттифок ўз қобилиятини ўраб қўйди. Тараққиёт деганда пахта даласини тушундик. Гапла майдонини билдик. Қишлоғимизга янги трактор кириб келса, қалпоғимизни осмонга отиб “ура!” — деб ҳайқирдик. Ваҳоланки, жаҳон халқлари техника тараққиётида биздан кўра, 50 йиллар илгарилар кетган экан.

Ахири мустақил бўлдик. Ўтган йиллар мобайнида бир давлат, бир байроқ, бир герб, бир мадҳия, бир Конституция остида бирлашиш ҳам насиб этди. Миллий давлатига эга халққа айландик. Дунёда ўз миллий давлатига эга бўлмаган ўлкалар қанча...

Истиқлол даврида ҳудудий яхлитликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатнинг 6 минтақасига, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Наманган, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларига темир йўл бирор қўшни мамлакат ҳудудидан ўтиб борар эди. Қорақалпоғистон ва Хоразмга, кейинчалик Қашқадарёдан Сурхондарё ҳамда Фарғона водийсига



темир йўл тортиб, мамлакатни жипслаштирдик. Энг муҳими, давлатимиз — халқаро майдонда ўз ўрнига, сиёсати ва сўзига эга бўлди. Дунё биз билан ҳисоблашмоқда.

Тараққиёт — мураккаб ҳодиса. У кўқисдан, қутилмаганда рўй беравермайди. Бунинг учун объектив ва субъектив сабабларни ҳисобга олиш керак. Масалга шу нукта назардан қарайдиган бўлсак, лўнда қилиб айтганда, мустақиллик умумтараққий истиқбол учун мустаҳкам асос яратди.

Ишонимизки, халқ ўзи қурган миллий давлатининг кучсизланишига, унга заррача зиён етишига, унинг юзига бирор-бир доғ тушишига асло йўл қўймайди.

Бир нарсасига амин бўлдик, пандемия, ҳатто, иқтисодий-сиёсий маънода ҳам кўзимизни очди. Халқ сифатида шундай оғир шароитда ҳам яшаш ва ишлашга мослашамиз. Халқ тўплаган ҳар қандай тажриба унинг келажиги йўлида асқотади, албатта.

Султонмурод ОЛИМ, “Накшбандия” журнали баш муҳаррири. “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби.

САМИМИЯТ

Амиркул, дустим! Тажрибали кишилар таъбиқлаганидек, одам бот-бот тўхтаб, ортига қараб-қараб олиши жоиз экан...

жасининг ўзи елкага ташлаб, бозорга тушган. Унинг икки кўзи лаш-лушларга қанча тўла бўлса, тиркичилик шунча тўкин бўлган...

Бу ҳали мурғак тасаввурлар эди, журакнинг теран муҳити эса чодир хаёллар анча ҳақиқатга эгаллигини тасдиқлаб борди...

юмуш эмас. Яна унинг ҳудудлари бор: туманда донг таратган "классик" виллоятга чиқса, бир поғона ташлайди...

милий юксак маданият, соҳани жондан севиш сизни кўпчилика манзур қилганини англадим. Ишлар кўнгилдагидек кетаётганда...



зинасига айлантириш борасида сезиларли ишлар қилинди. Кўплаб тарихий ёдгорликлар таъмирланди, қисман тикланди...

ПИНҲОН ТУҒЁН

Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди раиси, таниқли шoir ва журналист Амиркул Каримов ҳақида суз



Айтмоқи бўлган гапим шуки, ҳали имкон борида тўхтаб, ўтган йўлга қараб-қараб олиш фарз экан. Шунда умрнинг мазмуни, ҳаётнинг қадри кафрға тушиб, кейинги босадиган қадамга масъулияят ошар экан...

йилларни то шу кунгача пайвандлади. Сўнграқ талабалар ётоқхонасидаги тор тақяда Шокир пайдо бўлди. У бошқа олам эди, ўзанга сизмас, уммонлар, осмонлар чўққилардан бонч уларди...

тунлай пир бўлади ва ёзувчи Шокир ўз қахрамонининг қўйига тушади. Амалиётчи-мухбир пайдо қилинади...

бебаҳолигиндан юрак ҳаприқиб кетади. Юракдан эътироф шуки, қандай дори-ламмон кунларга етдик, шундай ёруғ толеъ насиб этди. Дунёнинг турли четларидан ёзган репортажларининг ўзига хос самимиёт, ҳарорат бўларди...

болар. Шу йилларда одамда ҳам гўнон офат, дўнон офат деган синовлар бўлар экан. Шуллардан омон ўтган кулун от бўлганидек, улғайиш пиллаоялариди туртиниб-суртиниб, ҳамма ҳам бирор ёруғ нуқтага заҳа тортмай, пачоқ бўлмаб етиб келавермайди...

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Миллий матбуот марказида АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Бошқарув раиси ўринбосари Фарҳод Фафуров, банк Ахборот хизмати раҳбари Шухрат Орипов, банкнинг Дастурлар доирасида ипотека кредитлаш департаменти бошлиғи ўринбосари Дилшод Ҳасанов ва бошқа тегишли таркибий тузилмалар мутасаддилари иштирокида "Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилашда АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" иштироки" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

"Қишлоқ қурилиш банк": 8000 ТА АРЗОН УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛАДИ

Тадбирда ОАВ ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2020 йил 1 майдан "Аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида бажарилган ишлар, аҳоли эҳтиёжини таъминлашда эришилаётган ютуқлар ва бу борадаги истиқболдаги режалар билан атрофлича таништирилди.

Шу билан биргаликда, бугунги кунда АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" тизимида 42 та филиал, 33 та минибанк, 11 та "Банк хизматлари кўрсатиш марказлари", 201 та шахобчалар орқали аҳолига замонавий банк хизматлари кўрсатилмоқда.



асосида бирламчи уй-жой бозоридан қўл қаватли уйлардан хонадон ҳамда намунавий лойиҳага асосида қурилаётган арзон уй-жойлар харид қилиш учун ипотека кредитлари ажратилмоқда.



боб бўлмоқда. Банк томонидан янги уй-жой учун ипотека кредити олиш шартлари бирмунча соддалаштирилди. Хизмат тарифлари сезиларли равишда туширилиб, кредит муддати 20 йил этиб белгиланди.



ташқари фойдаланишга топширилган санадан қўли билан икки йилдан ошмаган пудрат ташкилоти ҳисобида бўлган кўп хонали уйлардаги хонадонларни тақлиф этувчи бирламчи уй-жой бозоридан харид қилиш имкониятига эгалар.

Жорий йилнинг 20 август ҳолатига кўра, бирламчи уй-жой бозоридан кўп хонали хонадон харид қилиш мақсадига 222 та фуқароларга жами 51,3 миллиард сўмлик, шундан субсидия тўланадиган 14 та фуқарога 3,4 миллиард сўмлик ипотека кредитлари ажратилган.

Жорий йилнинг 20 август ҳолатига келиб, қурилиш ишларини молиялаштириш мақсадида 52,04 миллиард сўмлик аҳоли маблағлари ҳамда 94,5 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредити маблағлари ҳисобидан, жами 146,54 миллиард сўм сарфланди.

Х. КОДИРОВ Реклама ҳуқуқи асосида.

SANOAT QURILISH BANK

29
йил

**Мустақиллик байрамингиз
муборак бўлсин!**

**Юртдошларимизни 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг
29 йиллик шодиёнаси билан муборакбод этамиз.**

**Янги тараққиёт сари одимлаётган Ўзбекистонни ривожлантириш
йўлида меҳнат қилаётган халқимизга куч-қувват, сиҳат-саломатлик тилаймиз.**

**Мамлакатимиз бундан-да равнақ топиб, гуллаб-яшнайверсин,
юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!**

Ўзсаноатқурилишбанк жамоаси

AGROBANK

Азиз юртдошлар, ҳурматли мижозларимиз!

Агробанк жамоаси, Сизларни ва яқинларингизни энг улғу, энг азиз байрам – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллиги билан самимий муборакбод этади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака ва фаровонлик тилаймиз. Мустақил Ватанимизнинг тинчлиги, гуллаб-яшнаши ва равнақи йўлида олиб бораётган ишларингиз бардавом бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий, юртимиз обод ва фаровон ҳамда иқтисодий тараққиёти юксак бўлсин!

AgrobankChannel
Agrobankuzbekistan
www.agrobank.uz
тел.: (+998) 71 203-88-88
Хизматлар лицензияланган

ДУНЁДА НИМА ГАП?

БЕЛАРУСДАГИ "СЦЕНАРИЙ"



Белорусдаги воқеалар Украинадаги "Майдон" воқеалари бўйича ривожланмоқда. Бу ҳақда

Украина телевидениеси журналисти ва блогер Максим Раверба кўрсатувдаги шарҳида айтиб ўтди.

Унинг фикрига кўра, Украина сценарийсидан ягона фарқ шундаки, белоруслик протестантларнинг аниқ раҳбарлари йўқ. Ва шунга кўра, аниқ мақсадлар ва аниқ позицияга эга бўлган етакчисиз, вазият аста-секин нормал ҳолатга қайтиши мумкин.

ЭНГ АРЗОН ЭЛЕКТР АВТОМАШИНАСИ



Дунёдаги энг арзон электр автомашинаси "атиғи" 6000 доллар турди. Бу рус электр машинаси "Zetta SM1" автомашинаси. У йил охирига қадар сотувга чиқиши режалаштирилган.

Автомобилнинг максимал тезлиги соатига 120 километри ташкил этади. 200 километргача бўлган масофавий тезликда ҳаракатлана олади. Бу орқа ўриндиқлари тўрт кишилик ва орқа эшикларсиз машина бир неча безак комбинациясига эга.

ПАНДЕМИЯНИНГ ТУРИЗМГА ЗАРБАСИ



Пандемия сабабли жаҳон туризми жорий йилнинг дастлабки беш ойида 320 миллиард доллар йўқотди. Бу рақамларни Бирлашган

Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш айтган. Бу вақт ичида халқаро туристик оқимлар ярмидан кўпига камайди.

Қийин вазият иш жойига ҳам таъсир қилди. Умуман олганда, дунё бўйича туризм соҳасида ишлайдиган 120 миллион инсоннинг ҳаёти оғир аҳволда қолди. БМТ Бош котиби туризм жаҳон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири эканлигини ва карантиндан кейин уни тиклаш биринчи даражада вазифа эканлигини эслатди.

79 ТА ИДИШДАГИ КИМЁВИЙ МОДДА

Ливан ва Франция ҳарбийлари Байрут портдан яна бир хавфли моддалар захирасини топдилар. Сув портининг омборларида заҳарли кимёвий моддалар бўлган 79 та идиш бор эди. Улардан 25 таси хлорид кислотасига тўлаиди.



Қирғоқдаги сувлардан заҳарланишдан қўриқиб, аҳвол портлаш билан тугади. Кимёвий моддалар 4 августдаги портлашдан сўнг порт омборларини тозалаш ва қайта ишлаш жараёнида топилган, бунинг натижасида ушбу минтақа табиий офатлар зонаси, деб эълон қилинган.

САЁХАТБОП ВА САЙЁХЛАРБОП МАМЛАКАТ

Таиланд Халқаро соғлиқни сақлаш қоидаларига 85 фоиз роял қилганлиги, аҳолининг ўртача зичлиги ва COVID-19 билан касалланиш даражаси камлиги боис сўнги икки ҳафта ичида энг хавфсиз давлатлар рўйхатидан жой олди. Ушбу рейтинг немис таҳлилчилари томонидан тузилган.



Иордания, Франция ва Полинезия ҳам кучли учлик рейтингда турибди. Биринчи ўнликка Греция, Уругвай, Италия, Камбоджа, Япония, Ирландия ва Ботсвана кирган.

ДАФН ПАЙТИДАГИ ТИРИЛИШ

Индонезияда қариндошлари жасади дафн маросимига тайёрланган 12 ёшли қиз қайта тирилди.



Ўсмир сурункали диабет асоратлари туфайли касалхонага ётқизилган. Шу кунги шифокорлар унинг ўлганини маълум қилишди. Шундан сўнг, боланинг қариндошлари дафн маросимига тайёргарлик кўришни бошладилар.

Гувоҳларнинг сўзларига кўра, қизнинг жасади ювляётган пайтида кўзларини очди, тана ҳарорати кўтарилди ва юраги яна ура бошлади. Воқеа жойига тез ёрдам шифокорлари чақирилган, аммо уларнинг уринишларига қарамай, қиз «тирилиш»дан бир соат ўтган, вафот этган.

Жаҳон хабарлари асосида Г.МАТЁҚУБОВА тайёрлади.

Кутлов



MIKROKREDITBANK



1
сентябрь –
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллик куни

“Микрокредитбанк” жамоаси энг улуғ ва энг азиз байрам бўлган
Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг
29 йиллик шодиёнаси билан
Сиз азиз ҳамюртларимизни муборакбод этади.
Сизларга мустақкам соғлиқ, омад ва муваффақиятлар тилаймиз!
Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!



МУСТАҚИЛЛИК ШОДИЁНАСИ АРАФАСИДА “МИКРОКРЕДИТБАНК” ТОМОҶИДАН АЖОЙИБ ЯНГИЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

ЭНДИЛИҚДА НАФАҚАТ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР БАЛКИ
ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ҲАМ МАСОФАДАН ТУРИБ КРЕДИТ
ОЛИШЛАРИ МУМКИН. ЯЪНИ ТАДБИРКОРЛАРГА
“МКВ MOBILE BUSINESS” ЁКИ “INTERNET BANKING” ИДОВАЛАРИ
ОРҚАЛИ БАНККА КЕЛМАСДАН ОНЛАЙН КРЕДИТ
ОЛИШ ИМКОНИЯТИ ЯРАТИЛДИ.

КРЕДИТ ФОИЗИ: 21 %
КРЕДИТ МУДДАТИ: 12 ОЙ

МИКРОКРЕДИТБАНК – МАҚСАД САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ!

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА

Бугун ижтимоий тармоқларда нималар йўқ дейсиз: рост, ёлгон, фитна, ҳақорат, ижтимоий ва шахсий дард. Кимдир ижтимоий тармоқни пиарга айлантирган бўлса, кимдир унга ўзининг кундалик дафтари сифатида қараб ҳар куни нималардир қоралаб боришни одат қилган, яна ким учундир ижтимоий тармоқ – улкан бир китобдир.

Нима бўлганда ҳам ижтимоий тармоқ деб аталган ушбу баҳайбат “чангалзор”ни оралаб ўтиш анча-мунча машаққатли иш. Чунки кимнидир сўқиниши, кимнидир ниқоб остидаги сохта қаҳрамонлиги ва яна кимнидир ижтимоий тармоқни ўзининг хусусий “боғ”и билиб йиманиб турганларга ваҳоят-ла ташланиши – буларнинг ҳаммасини кечиб ўтиш учун совутингиз темирдан бўлиши шарт. Акс ҳолда тармоқ дармонингизни қуритиши аниқ.

Бироқ ижтимоий тармоқлар элакдан ўтказилганда тез-тез у ерда қайсидир бюрократнинг, эскиликпараст ҳокимнинг масҳаромуз қарорларидан зада бўлиб кетмони ҳеч қачон “учмай-диган”, “учирилмаётган” деҳқонларни ҳам кўрамай. Ҳақиқат ва адолат истаб, юраклари илма-тешик бўлган халққа дуч келамиз. Шу маънода ижтимоий тармоқларга ўзининг дардини тўқиб таскин толаётган ва мутасаддилардан ўз муаммоларига ечим топишларига умид қилаётган баъзи ҳамюртларимиз мушоҳадаларини газетамиз саҳифалари орқали эълон қилиб боришга қарор қилдик.

Қуйида ана шундай чиқишлардан бири.



Яқинда Файсбук тармоғида Қашқадарё вилояти, Касби туманида меҳнат қилаётган наманганлик деҳқонларнинг пишиб етилган қовунини ички бозорга чиқаришга туман ҳокими тақиқ қўйганлиги ҳақида видеоплавлар тарқалди. Деҳқонларнинг ушбу лавҳаларда айтишича, бу йилги сув танқислиги боис уларнинг эккан қовун-тарвузлари экспортбоп бўлмай қолган. Бироқ ички бозорга яраши мумкин бўлган ўн тонналаб қовун-тарвузлар далада чириб кетмоқда экан. Ҳоким эса қовунни даладан чиқармаслик учун пайкал бошига ички ишлар ходимларини қўйган.

Ижтимоий тармоқда таъкидланишича, туман ҳокими деҳқонлар маҳсулотини даладан чиқармаслик ҳақида топшириқ берганини тан олган ва бунга сабаб қилиб деҳқонлар экспорт режасини бажармаганлигини кўрсатган.

Касби туманида озгаки шартнома асосида ер олиб деҳқончилик билан шуғулланаётган наманганлик Амал Собитовнинг айтишича, бир ҳафтадан буён ИИБ ва ЙҲХБ ходимлари узиб қўйилган қовунни даладан олиб чиқишга тўсқинлик қилмоқда. Аслида экспортчи ўзи ушбу деҳқонларни танлаб олиб келган. Маҳсулот пишганида эса экспорт қилишолмаган. Энди пишганларини ички бозорга чиқарайлик, деса бунга юқорида таъкидлаганимиздек, қатъий қаршилик кўрсатилмоқда экан.

Шундай қилиб, қовун-тарвузлар сарғайиб қолмоқда. Энди экспортчилар пишиб, чириш ҳолатига келган қовунни олмайдди, деҳқонларнинг айтишича, экспорт учун қовун сал хомроқ узилиши керак.

Ажабланарлиси ва ачинарлиси бу деҳқонларнинг бугунги вазиятини тушуниш наҳотки Касби туман ҳокими оғирлик қилаётган бўлса? Ахир у эмас – бу эмас, 50 тонна узилган маҳсулот бир неча кунлаб жазирама саратон офтоби тигида ётишини бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а? Ҳоким эса деҳқонлар “маҳсулот сифатини йўқотаяпти, чириб тамом бўляпти”, дейишса, пинагини ҳам бузмасдан “чиритсам чиритаману лекин сенларга ўзимизнинг бозорда соттирмайман”, деб жавоб қайтараётган экан. Меҳнатни деҳқон қилган бўлса, ҳокимнинг қаери оғирсин ўзи? Гапнинг пўсткаллеси ҳам шу! Ҳар бир қовунни палак ёзгандан бошлаб парвариллаган, турли ҳашаротларга қарши дориллаб, палаклардаги ҳар бир палак қошида парвона бўлган деҳқоннинг аҳолини тушуниш учун аслида ҳоким бўлиш шартмикан?!

Наҳотки Президентимиз ишонч билан тайинлаган ҳоким тўралар бугун халқнинг дардини тушуниш ўрнига уни баттарроқ аланга олдирса? Касби тумани ҳокими Тўхтамурод Менглиев эса ана шундай “гапидан қайтмайдиган”лардан эканми? У бу ҳаракати билан кимга қарши ўзи, деган хаёлга борасан. Ахир унинг бу каби чучмал ҳаракатларидан кейин халқда ҳокимларга ва ҳукуматга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлмай-дими? Биз ҳалиям алифни калтак деб юрган бундай тўраларга дўпписини(агар у бошида бўлса), ёнига қўйиб, битта гурут чўпи билан тутаб кетадиган фармойишларини тескари ўтирган ҳолда оддий бир одам тушуна оладиган муаммоларни газак олдирмасликларини сўраган бўлар эдик.

«Hurriyat» мухбири.

Андижон вилояти, Балиқчи туманидаги “ДИЛШОД ЛЮКС ЭЛЕГАНТ”

Кутлов

хусусий корхонаси жамоаси

барча юртдошларимизни мамлакатимиз
мустақиллигининг 29 йиллиги билан самимий
табриклайди.

Мустақиллик байрамимизни бу йил

“Сен — қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон
Ўзбекистон!” шиори остида кутиб олмоқдамиз.

Ана шундай қудрат ва саодат маскани бўлган
она Ватанимиз мустақиллиги бардавом бўлсин!

Эркин ва озод Ватанда тинч, осуда ҳаёт кечирини
барчамизга насиб этсин!

Истиқлол айёми яна бир бор муборак бўлсин, азиз юртдошлар!



Реклама ҳуқуқи асосида.

Қутлов



1 Сентябрь Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки
ЖАМОАСИ

халқимизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг
29 йиллиги билан самимий муборакбод этади!

Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу
ишларингизда омадлар тилайди!

Юртимизни тинчлик, қалбларимизни шукроналик туйғулари
асло тарк этмасин!

Тинчлигимиз барқарор,
ҳаётимиз фаровон бўлсин!

www.turonbank.uz

ЎХУНАР

Миллий анъаналар, қадриятлар, қадимий асотирлар ҳар бир инсонни ўзлигини англашга ундайди. Ватанга бўлган муҳаббат туйғусини кўнгилда чуқур илдиришига туртки беради.

Гиламдўз қизлар мактаби

Сурхондарё вилоят Баркамол авлод болалар мактаби «Гиламдўзлик» тўғараги раҳбари Зарифа Ҳақимовани ҳам ҳеч шубҳасиз, азалий қадриятларимизни авлоддан-авлодга етказиб келаётган устоз ва мураббийларнинг бир вақилиси десак хато бўлмайди. 2015 йилдан буён

гиламдўзлик, каштачилик, кучроқчилик, чироз тикиш каби халқимизга хос ўнлаб хунарнинг ноёб сирлари саналган «Қоқма», «Чумчуқ кўзи», «Ғажари», «Қуллама», «Терма», «Тароқи», «Ой гилам», «Қовурга» «Дигил», «Балиқ кўзли», «Тақир» ҳамда қардош туркман халқи гиламларини

тўқиш санъатини ёшларга ўргатиб келмоқда.

Гилам тўқиш санъати халқ амалий беазак санъатининг кенг тарқалган тури ҳисобланади. Гиламдўзлик юртимизда қадим-қадимдан ривожланиб, тараққий этиб келган. Ушбу санъат тури ўзига хос ёрқин ва кўркам ранги, сержилло нақшлари ва тўқиш услуби билан бошқа санъат буюмларидан ажралиб туради.

Шуниси аҳамиятлики, Зарифа Ҳақимова айна дамларда ҳам ўз ўқувчиларига гиламдўзликнинг сир-асрорларини ўргатиб, муттасил машгулотларни олиб бормоқда.

Юлдуз ЭРҒАШЕВА,
Термиз шаҳри.



ШУКУҲ

ҲАЯНЪАТ — дунёни бизга, бизни дунёга танитади

Алишер
ЖАМОЛИДИНОВ,
«Ўзбекконцерт»
давлат муассасаси
директори в.б.:



— Мустақил Ватанни, унинг озодлигини англаш ҳам буюк ҳислат. Бу кўҳна дунё, бу кўҳна тарих ўз бошидан нималарни кечирмади. Узоққа бормайлик, ўтган XIX асрда ҳам буюк маърифатпарвар зиёлиларимиз шу она Туркистоннинг мустақиллиги учун, унинг равнақи учун жон олиб, жон берган. Сабаби маълум, юртни ўзгаларга қарамликдан ҳалос этиш эди. Уларнинг интилишларида, саъй-ҳаракатларида халқ манфаати, она заминимизнинг истиқболли, ўзбек миллиятининг маърифати, озод ва эмин-эркин ҳаёт, энг муҳими, ҳурият, соф миллий гоёлар устувор эди.

Шукрим, биз мустақилликни қўлга киритган, ҳар жабҳада, ҳар соҳада сезиларли даражада улкан ютуқларга эришдик ва ҳамон ҳаракатдамыз. Ўз гербимиз, ўз байроғимиз, ўз мадҳиямиз, энг асосий, ҳур фикримизни баралла айта оладиган ўз созимиз ва ўз овозимизга эга бўлдик.

Истиқлол бизга жуда кўп нарсаларни берди. Аммо, биз-чи? Бизга берилган барча имкониятлардан тўла фойдалана олаётимизми? Пок иймонимиз, пок виждонимиз ила Ватанимиз учун, унинг келажаги учун сидқидилдан ва беиннат хизмат қилаётимизми? Шу ватанда яшаётган ҳар бир инсон, назаримизда, мана шу саволни ўзига бериши керак.

Фикримизча, қайси соҳада ва қайси касбда меҳнат қилмайлик, кўнглимизда аввало, шу Ватанга садоқат ва фидойилик, муҳаббат ҳисси бўлмас экан, биз ўзимиз интилаётган ёруғ манзилларга етиб олишимиз қийин кечади. Зотан, ўзликини англашда, инсонларнинг, айниқса, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий маданият ва санъатимиз, қадрият унвонларимизнинг ўзига хос ўрни бор.

Юртимизда ҳар икки йилда ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, бахшичилик ва мумтоз ашулчилик санъати кенг тарғиб қилинмоқда. Шунингдек, миллий мумтоз ашулчилик санъатининг мавқеини тиклаш, ёшларимиз онгига синдириш, келажақда устозлар ўрнини боса оладиган созанда-ю хонандаларни тарбиялаб воёга етказиш бош мақсадимизга айланган. Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мақом санъати институтининг ташкил этилиши ҳам маданий ҳаётимизда катта тарихий воқеа бўлди. Ўрни келганда таъкидлаш жоиз, айнан мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий маданият ва санъат соҳасида халқаро миқёсда улкан ютуқларга эришдик. Дунё аҳлига Ўзбекистон, унинг ўзбекона санъати борлигини кўрсатиб қўйдик.

Шу кунларда АҚШда ўзбек миллий рақс санъатини америкалик аёлларга ўргатиб, ўзбек рақсининг бетакрор жилолари, вужуд ҳаракатининг жозибасини, энг асосийси, рақс маълум маъно касб этишини қитъа бўйлаб тарғиб қилаётган Тара Пандея АҚШ фуқароси эканлиги миллий санъатимизнинг нақадар юксаклигидан, албатта.

Шунингдек, мумтоз мусиқамиз ҳам дунё аҳлини ўзига ром этаётганини, бу борада Ўзбекистон халқ артистлари Муножот Йўлчиева, Исмоил Ҳалилов ижросидаги талқинини Европа халқлари катта қизиқиш билан кутиб олганини эътироф этишимиз мумкин.

Биз ана шундай улкан ютуқларга мустақилликка эришганимиздан сўнг эришмоқдамиз. Биз дунёни, дунё бизни таниди. Эндilikда миллий санъатимизнинг софлигини, миллийлигини асраб-авайлаш муқаддас бурчимиз, вазифамиздир.

ТАОАҚҚУР

Ғалаба — энг кўп машаққат дегани

Тузоққа сочилган дон саҳийлик
ҳисобланмайди...

Ж.РУМИЙ

Ўйлаш руҳнинг ўз-ўзи билан гаплашишидир.

АФЛОТУН

Кўркув бор жойда бахт йўқ.

СЕНЕКА

Энг катта ютуқ ҳеч қачон йиқилмасликда
эмас, балки йиқилган тақдирда қайта
оёққа туришдадир.

КОНФУЦИЙ

Ғалаба — энг кўп машаққат деганидир.

НАПОЛЕОН

Гапи бошқа, иши бошқа одам аслида ўздан
бошқани ўйлаётганидан
одамдир.

ГЁТЕ

Бой бўлишни истасанг, пул топишни
ўйлаганинг каби йиғишни ҳам ўйла.

Б.ФРАНКЛИН

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, таниқли радиожурналист, меҳнат фахрийси
Зулфия ОБИДОВАнинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари, яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Hurriyat

Бош муҳаррир

Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91

Тел-факс: (71) 244-32-80

Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди
ва дизайнёр Э.Елгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Ҳ.Қодиров, Мусаҳҳиж: З.Хасанова.

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлари
ижодий уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан
рўйхатга олинган.

Адаби: 4002

Буюртма — Г-865

Ҳажми 4 босма табоқ Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5

Топшириш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 22⁰⁰



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташкilotлар
учун — 233